2014 ЙИЛ 17 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 140 (12.701)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Она Ўзбекистонимизнинг равнақига улкан ҳисса қўшадиган, ҳар қайси оиланинг, эл-юртимизнинг ризқ-рўзини, дастурхонини тўкин қиладиган, одамларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган, миришкор деҳқонларимиз фидокорона меҳнатининг натижаси бўлмиш ғалла хирмонининг йилдан йилга ошиб бораётгани барчамизни қувонтиради ва ғурур-ифтихор бағишлайди, десам, сиз, азизларнинг, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Бугун деҳқон ва фермерларимиз, барча дала меҳнаткашларининг пешона тери, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнати эвазига қўлга киритилган ғалаба билан – мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этганингиз билан сизларни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш – мен учун катта бахт.

Мана шу қувончли айёмда бу мисли кўрилмаган ютуқнинг моҳияти ва қадр-қимматини ҳар томонлама чуқур англаш учун бир вақтлар, яъни, эндигина мустақилликка эришган биринчи кунларда давлатимиз омборларида халқимизни боқиш учун фақатгина бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун қолганини, айтиш мумкинки, юртимиз очарчилик остонасида, жар ёқасида турганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, биз қандай таҳликали ва хатарли замонни бошимиздан кечирганимиз ва бугунги қўлга киритган, ҳақиқатан ҳам буюк марраларнинг баҳоси ва аҳамияти яққол аён бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мана шундай ёруғ кунларга етказгани учун Яратганимизга минг бора шукроналар айтишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Шу ўринда бу тарихий ютуқнинг туб моҳиятини очиб берадиган баъзи бир рақамларни эсга олишимиз табиийдир.

Бундан 23 йил олдин биз 21 миллиондан зиёд аҳолимизнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган 6 миллион тонна ғаллани четдан, катта-катта маблағлар эвазига, кимларгадир муҳтож бўлиб, ялиниб-ёлвориб олиб келишга мажбур эдик.

Бугунги кунда эса биз 31 миллиондан ортиқ аҳолимизни ўз донимиз, ўз беминнат нонимиз билан тўла таъминлабгина қолмасдан, балки чет элга ғалла экспорт қиладиган мамлакатга айландик. Ўтган давр мобайнида ўлкамизда ғалла етиштиришнинг умумий ҳажми 940 минг тоннадан 8 миллион тоннага етгани, ўртача ҳосилдорлик гектарига 17 центнердан 55 центнерга ўсгани бизнинг бу соҳада илгари фараз қилиш ҳам қийин бўлган, қандай улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Айнан мана шу ҳолатларни қиёслаганда, юрагимиздан ўтказганда, ўйлайманки, ҳар қайси одам «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқатнинг чуқур маъносини такрор ва такрор англайди, мустақил тараққиётнинг тўғри йўлини танлаб олганимиз, халқимизнинг фидокорона меҳнати Ўзбекистонимизни бугунги кунда ўзгалар ҳавас қиладиган босқичга кўтариш учун ҳар томонлама асос бўлаётганига ишонч ҳосил қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Бу йилги мавсум ҳақида гапирганда, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислоҳот ва ўзгаришлар, биринчи навбатда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб, унинг ривожи учун барча шароитларни яратиб берганимиз, бу ҳаракатнинг қишлоқда чиндан ҳам асосий куч бўлиб майдонга чиқаётгани, фермерлар, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг таянч устунига айланиб, деҳқонларимиз ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ортиб бораётгани биз қўлга киритган улкан ютуқнинг ҳал қилувчи омили бўлганини таъкидлаш лозим.

Ҳаммамиз шунга гувоҳмиз – жорий мавсум ўтган йилларга нисбатан осон бўлмади. Табиат ва иқлим қийинчиликлари ғаллакорларимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди. Қиш фаслида совуқ ва аёзли кунлар меъёридан ортиқ бўлгани, март-апрель ойларининг биринчи ярмида ҳароратнинг одатдагидан кўра пасайиб кетгани, айрим ҳудудларда кучли жала ва дўл ёққани, сув тақчиллиги, шамол ва бўронларнинг салбий оқибатлари, турли касаллик ва ҳашаротларга қарши курашишга тўғри келгани – буларнинг барчаси деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирмасдан қолмади.

Ана шундай мураккаб шароитда дала меҳнаткашлари аввало ишни тўғри ташкил этиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш, ота-боболаримизнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ғаллазорларни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳисобидан ҳосилни сақлаб қолишга ва белгиланган марраларни эгаллашга муваффақ бўлгани ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Мавсум давомида ғаллазорларга жами 12 миллион 700 минг тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 11 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, деҳқонларимизнинг ҳар туп кўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилгани, ҳеч шубҳасиз, сара дон етиштиришда муҳим роль ўйнади.

Сўнгги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, фермер хўжаликларини молиявий ресурслар, аввалambор имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш бўйича шаклланган аниқ тизим асосида самарали олиб борилган ишлар бугунги муваффақиятга пухта замин бўлганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоятлар, жумладан, нисбатан оғир иқлим шароитида бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти деҳқонлари ҳам ғалла тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли бажаришга эришдилар. Фарғона ва Андижон вилоятларида ўртача ҳосилдорлик 62 центнерни, Самарқанд вилоятида 61 центнер, Бухоро ва Наманган вилоятларида 60 центнер, Қашқадарё вилоятида 58 центнер, Тошкент вилоятида 57 центнер, Навоий вилоятида 55 центнер, Сурхондарё вилоятида 51 центнерни ташкил этганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш лозим.

Бу борада бошқаларга ўрнак ва намуна бўлган Тошлоқ, Олтиариқ, Учқўприк, Вобкент, Поп, Учқўрғон, Иштихон, Ғиждувон, Уйчи, Пешку, Нарпай, Пастдарғом, Пахтаобод, Қўрғонтепа, Шаҳрисабз, Хатирчи, Олтинкўл, Дўстлик, Кармана, Мирзачўл, Яккабоғ, Пахтакор, Навбаҳор, Юқоричирчиқ, Китоб, Ўртачирчиқ, Чиноз, Боёвут, Сирдарё, Денов туманларида ҳосилдорлик 60-70 центнердан ошганини таъкидлаш жоиз.

Юртимиздаги ўнлаб фермер хўжаликларида гектаридан 90-100 центнердан ҳосил олингани деҳқонларимизнинг қандай улкан ишларга қодир эканини кўрсатади. Шулар қаторида биз бугун Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил», Фурқат туманидаги «Ортиқали Ғаниев», Учқўприк туманидаги «Фаровон ҳаёт сари», Олтиариқ туманидаги «Хайрулла Баҳром Бойматов», Иштихон туманидаги «Асалчи Элдор», Қува туманидаги «Олтин диёр», Бувайда туманидаги «Ёқубжон ота», «Ўзбекистон», Навбаҳор туманидаги «Очилова Инобат», Пахтаобод туманидаги «Абдулазиз», Кармана туманидаги «Амир Ғолиб келажак», «Саволтепа равнақи», Янгийўл туманидаги «Ситорахон», Олтинкўл туманидаги «Гулгун диёр имкони», Жондор туманидаги «Мурод Рустам», Қўштепа туманидаги «Абдулҳофиз Халилов», Ғиждувон туманидаги «Файз» каби фермер хўжаликларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, мана шундай жонбозлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрганда, эшитганда, илгари ҳам айтган бир фикримни яна такрорлашни жоиз деб биламан: дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда кўп, лекин оғир синовларда тобланган, ўз фидойилиги ва матонати, чидамлиги ва олижаноблиги билан ажралиб турадиган ўзбек деҳқонларига етадиган, уларга тенг келадиган одамлар кам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шундай инсонлар меҳнатини ҳар қанча қадрлаб, уларнинг дарду ташвишлари ва эҳтиёжларига яқин бўлиб, уларни доимо рағбатлантириб, хурсанд қилиб, рози қилиб юрсак, очиқ айтаман, шахсан мен ўзимни беармон, бахтли одам деб ҳис қиламан, десам, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Шулар ҳақида гапирганда, бу йил етиштирилган мўл ғалла ҳосилининг 5 миллион 117 минг тоннаси, яъни 60 фоизи деҳқон ва фермерларимиз, аҳолимиз ихтиёрида қолдирилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хонадонларимизга қут-барака, фаровонлик олиб кирадиган бундай қувончли ҳолатни барчамиз дала меҳнатчиларининг ўз ишидан манфаатдорлиги ортиб, машаққатли меҳнати муносиб қадр топаётганининг яна бир тасдиғи сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора ўткир муаммога айланиб бораётгани, маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда ер юзида 840 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланмаётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Мана шундай мураккаб бир вазиятда мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган, чуқур ўйланган ислоҳотлар ҳамда сиз, ҳурматли деҳқон ва фермерларимизнинг самарали меҳнати ҳисобидан биз халқимизни асосий озиқ-овқат, аввало, дон маҳсулотлари билан тўла ва ишончли тарзда таъминлашга эришганимиз халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётгани айниқса эътиборлидир.

Бу ҳақиқатнинг амалий ифодасини яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, энг ривожланган давлатлардан келган кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари жойларда бўлиб, сизларнинг фаолиятингиз билан яқиндан танишиб билдирган фикрлари мисолида яққол кўриш мумкин. Конференция иштирокчиларининг фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун уларга давлат томонидан имтиёз ва преференциялар бериш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини кенг ўрганишга тавсия этгани албатта ҳаммамизга катта мамнуният етказади.

Айни вақтда барчамиз яхши тушунамизки, замон талаби тобора ўсиб бораётган ҳозирги шароитда фақатгина эришган ютуқлар билан чекланиб, кифояланиб қолишимиз мумкин эмас. Юртимизда ғаллачилик билан бирга бутун қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ва изчил ривожлантириш, бу борадаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш бўйича ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифалар қўймоқда. Шулар қаторида аграр соҳа самарадорлигини янада ошириш, бугунги фермерларимиз бошлаган ижобий ишларни муносиб давом эттира оладиган янги фермерлар авлодини, фермер хўжаликларини замонавий асосда бошқаришга қодир бўлган фермер-менежерларни шакллантириш каби долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

Қадрли ва муҳтарам дўстларим!

Бугунги шодиёна кунда сиз, азиз ғаллакорларимиз, деҳқон ва фермерларимизни чин юракдан қутлар эканмиз, улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг олам аҳлининг тўқлиги ҳам, хурсандчилиги ҳам аввало ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонларнинг меҳнатидандир, деган ҳикматли сўзларини яна бир бор эслаймиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сиз, лафзи ҳалол бободеҳқонлар бунёд этган юксак ғалла хирмони – бу аввало тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, эзгу орзу-интилишларимизнинг мустаҳкам пойдевори, десак, янглишмаган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, омилкор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини, бугунги улкан ҳосилга муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриклайман.

Сизларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан раҳматлар айтиб, барча-барчангизга таъзим қиламан.

Эл-юртимизни, оила ва хонадонларимизни турли бало-қазолардан Яратганимизнинг ўзи асрасин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доимо ондек азиз бўлинг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2014 йил 16 июлда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг I ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари чиқарилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2014 йил 17 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2014 йил учун иқтисодий дастурнинг йўналишлари ва муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, энг аввало, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган дастурлари амалга оширилишини жадаллаштириш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш ҳисобига иқтисодиётни диверсификациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолининг фаровонлигини, ҳаёти даражаси ва сифатини изчил ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги кучайиб бораётган таҳдидлар ва қарама-қаршиликларга қарамай, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириш, ўсишнинг мавжуд манбаларини сафарбар қилиш туфайли Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши – 8,1 фоизни, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши – 17,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

Ички талабни рағбатлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тубдан кўпайтириш ҳамда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 13,7 фоизга ва пуллик хизматлар ҳажми – 9,7 фоизга ўсишини таъминлади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида хизматлар соҳасининг улуши 2013 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижалари бўйича 52,4 фоиз ўрнига 52,7 фоизгача ўсди.

Экспорт қилувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини рағбатлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмларининг 8 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдосини таъминлаш имконини берди.

Республиканинг аграр сектори тадрижий ўсиш суръатлари билан ривожланмоқда, қишлоқ жойларни ободонлаштириш, қишлоқ аҳолиси учун шинам яшаш шарт-шароитлари яратиш чора-тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари 6,9 фоизга ўсиши таъминланди. Доннинг 8 миллион тоннадан ортиқ рекорд ҳажми етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Уй-жойлар қуриладиган янги қишлоқ массивларида 2014 йилга мўлжалланган 11000 та намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уйларнинг 4486 таси фойдаланишга топширилди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг ҳар йилги дастурини тизимли амалга ошириш туфайли жорий йил бошидан бошлаб 506,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди. Улардан 303,2 мингтадан ортиғи ёки 59,9 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

Ғалла — 2014

УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК!

Мамлакатимиз ғаллакорлари 8 миллион 50 минг тоннадан зиёд ғалла йиғиштириб, йиллик шартнома мажбуриятини ортиғи билан адо этдилар. Бу улкан хирмон Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига муносиб тўёна бўлди.

Азал-азалдан эл фаровонлиги, оилалар қут-баракаси буғдойнинг, ноннинг сероблиги билан белгиланади. Дон мўллиги кўзнинг, кўнгилнинг тўқлигидир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислоҳотлар самарасида мамлакатимиз ғалла экспорт қиладиган давлатлар қаторига кирди. Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари жорий этилгани, ерга ишлов бериш ривожлангани, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, деҳқонларнинг дунёқараши, меҳнатга муносабати ўзгаргани туфайли ғалла етиштириш йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

Бугун фермерлар ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси, деб ҳис қилади. Қанча кўп меҳнат қилса, мўл ҳосил етиштирса, бундан аввало ўзи манфаат кўришини яхши билади. Бу уларни янада ғайрат ва масъулият билан ишлашга, ҳосилдорликни изчил оширишга ундамоқда.

Бу йил юртимиз далаларида ўртача 55 центнердан ҳосил олинди. Илғор хўжаликларда бу кўрсаткич 90 центнердан ошди. 1991 йилда ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил қилгани, мамлакатимиз бўйича жами 940 минг тонна ғалла етиштирилганини тасаввур этадиган бўлсак, мустақиллик йилларида бу борада нақадар улкан ўсишга эришилгани аён бўлади.

Деҳқончилик учун қулай келган йилнинг ўзи йўқ. Бу йилги мавсумда ҳам ғаллакорларимиз турли табиат синовларини енгиб ўтишига тўғри келди. Омилкор фермерларимиз ўз вақтида зарур чоралар кўргани, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдалангани натижасида мўл ҳосил етиштирилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, навларни танлашда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароити ҳисобга олиниб, суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштириш агротехникасини такомиллаштириш ғалланинг сифат ва истеъмол хусусиятларини янада оширмоқда. Серҳосил, касалликларга чидамли навларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, олимларимиз яратган «Чиллаки», «Дурдона», «Андижон-2», «Андижон-4», «Бобур», «Аср» ва «Туркистон» каби ўндан зиёд маҳаллий нав ҳосилдорликни янада ошириш имконини бермоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда нон тўкинлиги, халқимиз дастурхонида бу азиз неъмат мўл бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, ғаллачилик ривожи чорвачилик ва паррандачилик каби тармоқларга ҳам ижобий таъсир этиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур гўшт, сут, тухум каби озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми янада ортмоқда.

Бугун дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга теран назар солсак, бу борадаги рақам ва кўрсаткичларнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади. Айрим мамлакатларда озиқ-овқат, хусусан, ғаллачилик соҳасида жиддий муаммолар юзага келиб, нон тақчиллиги кузатилмоқда.

Минг шукрки, мамлакатимизда тўкинлик, мўлкўлчилик, арзончилик барқарор. Бу аграр соҳани ислоҳ қилиш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни кенгайтириш, ҳар томонлама сифатли ғалла навларини яратиш, буғдой ҳосилдорлигини ошириш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш борасида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Меҳнатлари эвазига манфаатдорлиги ортаётган миришкорларимиз айни кунларда етиштирилган ҳосилни охиригача нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, ғалладан бўшаган майдонларда сомон поялари ва қолдиқларини тўплаш ҳамда пешма-пеш шудгор қилиш юмушлари билан банд.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишни, таълим сифатини оширишни, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишни таъминлаш тадбирлари амалга оширилмоқда, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 3,1 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари олдига 2014 йил учун белгиланган барча асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга ҳамда республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантиришнинг қабул қилинган комплекс дастурлари прогноз параметрларига эришишни таъминлаш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2014 йил 17 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган топшириқлар ва вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилган зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича «йўл хариталари»ни амалга оширишнинг натижадорлиги ва самарадорлигини батафсил таҳлил қилишга асосий эътибор берилди.

144 та зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган «йўл хариталари»ни фаол амалга ошириш туфайли 109 та корхонани зарар кўриб ишлашдан ва молиявий нобарқарорликдан чиқариш таъминланганлиги қайд этилди. Қайта ташкил этилаётган корхоналарда умумий суммаси 3,1 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, шу жумладан, қарийб 118 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспортга сотилди. Йирик саноат корхоналарида 1330 бирлик эскирган асбоб-ускуна янгиланди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртача 8,9 фоизга пасайтиришга эришилди.

Муҳокама жараёнида бир қанча компаниялар, йирик корхоналар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари олдига айрим зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича тасдиқланган тадбирлар зарур даражада ташкил этилиши ҳамда ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан назорат қилишни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китоблари ҳолатини янада яхшилаш, уларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини тубдан қисқартиришга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда саноат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашнинг қабул қилинган дастурлари доирасида 2014 йилга мўлжалланган муҳим ишга тушириш объектларини фойдаланишга топширишни таъминлаш ишларининг ҳолати ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилинди. Муҳим юқори технологик ва замонавий объектлар ва қувватларни ишга туширишни тезлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати ва кўрилаётган чора-тадбирлар ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмлари 10,8 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – 28,8 фоизга ўсишига кўмаклашганлиги қайд этилди. Жорий йил бошидан бошлаб 2014 йил учун Инвестиция дастурига киритилган умумий қиймати 680 миллион доллар бўлган 64 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди. 1651 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг эътибори янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштиришни таъминлайдиган амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди. Шунингдек, навбатдаги йилга Инвестиция дастурини ишлаб чиқиш, уни республика ҳудудларини, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ўртача муддатли комплекс дастурлар билан ўзаро боғлашни таъминлаш юзасидан асосий масалалар ва ташкилий чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишни танқидий таҳлил қилишга жиддий эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил апрель ойида қабул қилинган ҳужжатларига мувофиқ 22 та рухсат берувчи тартиботлар бекор қилинганлиги, 21 та рухсат берувчи тартиботни расмийлаштириш муддатлари 2,1 баравар, шунингдек, фаолиятнинг 11 тури бўйича лицензияларни ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни расмийлаштиришда йиғимлар миқдори ўртача 4 баравар қисқартирилганлиги қайд этилди. Ҳужжатларни тақдим этиш ёки ваколатли органлар билан келишиш бўйича ортиқча талаблар бекор қилиниши ҳисобига 31 та рухсат берувчи тартибот бўйича расмийлаштириш тартиб-қоидаси соддалаштирилди. Жорий йилнинг охиригача давлат хизматларининг энг кўп талаб қилинган 23 та турини интернет тармоғи орқали интерактив шаклга ўтказиш назарда тутилди.

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кичик бизнес субъектларига умумий суммаси 25,5 миллиард сўмлик 86 та давлат активлари сотилди, давлат мулкининг 19,4 мингта фойдаланилмаётган объектлари ижарага берилди. Банклар томонидан уларга 4,8 триллион сўм миқдорида ёки 2013 йилнинг биринчи ярим йилидагига қараганда 1,3 баравар кўп кредитлар берилди. Ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ўсишига ва миллий иқтисодиётнинг барқарорлигига, аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг иш билан бандлиги ва моддий фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал этишга тадбиркорликнинг улушини жиддий равишда оширишни таъминлади. Кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес улушининг саноатда – 27 дан 28,4 фоизгача, бандликда – 75,8 дан 76,4 фоизгача ўсишини таъминлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, «Ўзгеодезкадастр» давлат қўмитаси ва Давлат рақобат қўмитаси раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 2 июлдаги «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат мулки объектларининг бўшаб қолаётган ер участкалари базасида ташкил этиладиган кичик саноат зоналарида жойлаштиришни жадаллаштириш, уларда янги иш ўринлари яратиш бўйича инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда янги ишлаб чиқаришларни, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси объектларини ташкил этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

ИСТИҚЛОЛ ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Мазкур академия, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда олимлар, экспертлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари, маънавият тарғиботчилари иштирок этди.

Академия ректори А. Абдувоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Миллий телерадиокомпания раисининг биринчи ўринбосари О.Тошбоев, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Ризаев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсат халқимизнинг тинч ва осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришида, барча соҳалардаги ислоҳотлар муваффақиятида, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсининг тобора юксалишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори истиқлол айёмига қизғин ҳозирлик кўриш, уни юксак савияда кутиб олишга оид ишларни кенг, изчил ва тизимли тарзда йўлга қўйишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрамни муносиб кутиб олиш ва нишонлаш мақсадида юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий фаолиятнинг асосий маъно-мазмунини, Ватанимиз тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий эканини, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришилган ютуқларнинг аҳамиятини юртдошларимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш оммавий ахборот воситалари ходимларининг долзарб ва эзгу вазифасидир.

Мамлакатимизнинг тараққиёт одимлари, қўлга киритган натижаларини бутун дунё тан олаётгани, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаб бораётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омилини халқимизнинг тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида кўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш журналистлардан катта маҳорат, ёритилаётган мавзуни чуқур ўрганишни талаб этади. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирларни чуқур таҳлилий асосда, халқчил, самимий ифодалаш уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда Ўзбекистон миллий ахборот тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, истиқлол айёмини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, маънавият-маърифат, таълим-тарбия, иқтисодий ривожланиш, ёшларга оид давлат сиёсати соҳаларидаги саъй-ҳаракатлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига доир маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Инновацион технологияларни қўллаш иқтисодий юксалишга хизмат қилади
ЎзА олган сурат

АДЖУ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАР СОНИ ОРТАДИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан буён Корея Республикаси билан кўп қиррали ҳамкорликни, хусусан, таълим соҳасидаги ўзаро алоқаларни изчил ривожлантириб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз вакиллари турли алмашув дастурлари йўлланмаси билан Жанубий Корея олий ўқув юртларида таҳсил олиш ва ўз касбий малакаларини ошириш имконига эгадирлар.

Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида жойлашган Аджу университети Ўзбекистон ёшлари ва мутахассислари учун асосий ўқув марказларидан бири ҳисобланади. Мазкур олий ўқув юрти бизнес бошқаруви, тиббиёт ва ахборот технологиялари соҳаларидаги етакчи университет ҳисобланади. Унда ҳозирги кунда 14 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда, уларнинг 1000 нафардан зиёди дунёнинг турли мамлакатларидан келишган.

Аджу университети кўп йиллардан буён Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида таълим соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Икки давлат раҳбарларининг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган учрашувлари якунлари, жумладан, ташриф доирасида малакали кадрларни тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида келишувларга эришилгани мазкур университетида катта мамнуният билан қабул қилинди.

Мазкур келишувларнинг амалий жиҳатдан ҳаётга тадбиқ этилишига кўмаклашиш мақсадида Аджу университети бакалавриат, магистрлик ва докторлик йўналишлари бўйича қабул қилинадиган Ўзбекистон вакилларининг сонини кўпайтириш ниятида. Бугунги кунда мазкур таълим масканида республикамиздан ўн тўрт нафар талаба бизнес бошқаруви, халқаро тараққиёт ва ҳамкорлик, фармацевтика, математика ва бошқа йўналишларда таҳсил олмоқда.

Жорий йил 3 июль куни Аджу университети битирувчиларига магистрлик дипломлари топширилиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Битирувчилар орасида мамлакатимиз вакили ҳам бор эди.

Тадбир чоғида **Халқаро тадқиқотлар ва бизнес менежменти Олий мактабининг декани Лим Джей Ик** Аджу университети 1973 йили барпо этилганидан буён ўтган давр мобайнида турли соҳаларда мутахассислар тайёрлайдиган глобал олий ўқув юртига айланганини айтди. У университетда ўзбекистонлик талабалар учун қабул квотаси кўпайтирилишини тасдиқлади.

Математика бўйича докторант – Тошкент шаҳридаги академик лицейнинг ўқитувчиси Алишер Жалилов Корея Республикасида ўз билимларини мустаҳкамлаш имконияти яратиб берилгани учун мамлакатимиз ҳукуматига миннатдорлик билдирди.

«Жаҳон» АА
Сеул

Хаср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий вилояти Кармана тумани тиббиёт бирлашмасига 118 минг 450 АҚШ долларилик замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар ўрнатилди. Кармана тумани тиббиёт бирлашмасида 2014-2016 йилларда 200 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли поликлиника, юқумли касалликлар бўлими ва бошқа бинолар таъмирланиши режалаштирилган.

● Хоразм вилоятининг Боғот, Шовот ва Хива туманларида замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фойдаланишга топширилди.

● Сирдарёда «Футболимиз келажаги» анъанавий республика турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. 9-14 ёшли болалар ўртасида Гулистон шаҳридаги Янги ҳаёт, Ховос туманининг Карвонсарой-2, Гулистон туманидаги Соҳил маҳаллалари жамоалари ғолиб чиқиб, мусобақанинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида жорий йилнинг ўтган даврида «Sun way build», «Ayshona biznes», «Yangiyul fito kosmetiks» сингари олтита ишлаб чиқариш объекти фаолият бошлади. Беш миллион 540 минг АҚШ доллари йўналтирилган ушбу корхоналарнинг ишга туширилиши қарийб 400 нафар ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини берди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Айдахо штатидаги Блэкфут шаҳрида ноодатий фестиваль мавжуд. Жумладан, бу ерда ҳар йили маҳаллий аҳоли вакилларига самолётдан туриб муайян миқдорда стол тенниси шарлари тарқатиш анъанаси шаклланган. Ана шундай коптокчаларни қўлга киритганлар уларни ташкилотчилар томонидан таъсис этилган совғалар — конфет, ўйинчоқ ёки 10 доллардан 100 долларгача пул мукофоти белгиланган сертификатларга алмаштиришлари мумкин.

● «Google» корпорацияси швейцариянинг «Novartis» фармацевтика компанияси билан ҳамкорликда «ақлли» контакт линзалари ишлаб чиқариш бўйича келишувга эришди. Лойиҳа муаллифларининг айтишича, тайёрланиши кўзда тутилган янги турдаги кўз мосламаси қандли диабет касаллигига чалинган беморлар учун мўлжалланган бўлиб, унинг ёрдамида қондаги глюкоза миқдорини мунтазам ўлчаб туриш мумкин.

● Филиппинга «Гленда» деб номланган тўфон кириб келди. Табиий офат ҳаво ва денгиз қатновларини издан чиқарди. Хусусан, ўнлаб авиарейслар бекор қилинди. Денгиз портларида эса олти мингдан зиёд йўловчи обҳаво яхшиланишини кутиб ўтирибди. 150 мингдан зиёд аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ҲАР БИР БОЛА — БИР ДУНЁ

...Маҳалла ҳудудидаги чеварлик цехи қайта жиҳозланиб, янги ускуналар билан таъминлангач, унинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошди, қўшимча иш ўринлари яратилди. Маҳалла фаоллари яқинда коллежни тамомлаган йигирмадан ортиқ қизнинг цехда ишга жойлашишига кўмаклашди.

Тошкентнинг Чилонзор туманидаги «Катта Хирмонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини қошида фаолият кўрсатаётган вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиянинг аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлашга оид эзгу ишларини бугун мамлакатимиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятида кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори маҳаллалар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тобора такомиллаштириш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжат фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари – ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маънавият ва маърифат, хотин-қизлар билан ишлаш, яраштириш каби саккизта комиссия фаолиятини самарали тарзда йўлга қўйишда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Ёшлар билан ишлаш, ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш, навқирон авлодни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга содиқлик, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик руҳида камол топтиришда вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари комиссиясининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

– Маҳалламизда 5 минг 250 нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шарофат Абдиева. – Улардан 1 минг 610 нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга кўмаклашиш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар бўйича профилактика ишларини амалга ошириш, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга муносиб ҳисса қўшиш комиссия фаолиятининг асосини ташкил этади. Фарзандлар тарбияси учун барчамиз масъулмиз.

Ҳудуддаги профилактика инспектори, таълим даргоҳлари мутасаддилари, оилавий шифокор, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, элда обрў-эътибор қозонган, ёшларга тарбиявий таъсир ўтказиш салоҳиятига эга отахон ва онахонларнинг мазкур комиссия ишчи гуруҳи таркибига киритилгани кўплаб долзарб масалаларни тез ва оқилона ҳал этиш имконини бермоқда. Вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси олдидаги масъулиятини тобора оширишда «Маҳалла посбонлари» жамоатчилик тузилмаси, «Ота-оналар университети» ва фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик ижобий самара бермоқда.

Комиссиянинг саъй-ҳаракатлари билан маҳалла ҳудудидаги 217-умумтаълим мактабининг 9-синфини тамомлаган 174 нафар битирувчини лаёқати ва қизиқишига қараб таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишга эришилди. Ўқиш даврида мактабдаги таълим-тарбия жараёни, болаларнинг фанларни ўзлаштириши, давомати доимий таҳлил этиб борилиши ўқувчиларнинг билим олишга бўлган масъулияти, қизиқиши ва интилиши тобора ортишида асосий омил бўлмоқда.

– Таълим масканимизда «Катта Хирмонтепа», «Якка тут», «Шарқ тонги», «Хайробод», «Тинчлик» маҳаллаларида истиқомат қилувчи болалар ўқиган боис ушбу маҳаллаларнинг барчаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган, – дейди 217-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Комила Қосимова. – Ушбу ҳамкорлик вояга етмаганлар билан ишлашда ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, ёшлар психологиясига оид ижобий иш усулларини ўрганиш ва оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёзги таътил даврида болаларнинг бўш вақтини тўғри ва унумли ташкил этиш мақсадида маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, ота-оналар ўзаро маслаҳатлашиб, мактаб ҳудудида болалар соғломлаштириш майдончаси ташкил этилди. Бу ерда ўқувчи-ёшлар йигирмадан ортиқ тўгаракка қатнайди. Айниқса, хорижий тиллар, информатика, бисер тўқиш, тасвирий санъат, футбол, шахмат, стол тенниси тўгаракларига қизиқиш катта.

Ёшларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш, уларни ишга жойлаштиришга яқиндан кўмаклашиш мақсадида бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, тадбиркорлик субъектлари билан узвий ҳамкорлик ўрнатилган. Бунинг самарасида маҳаллада истиқомат қилаётган йигит-қизлар шу ернинг ўзидаги ишлаб чиқариш, қадоқлаш цехлари, сартарошхона, новвойхона, қандолат цехи, савдо ва маиший хизмат шохобчаларида меҳнат қилмоқда. Бу оилалар фаровонлигини ошириш, йигит-қизларнинг бекор қолиши ва бунинг оқибатида турли иллатлар домига тушиб қолишининг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда. Ёшларнинг билиб-билмай жиноят кўчасига кириши, турли ҳуқуқбузарликлар, муттасил тарзда интернет кафеларда вақт ўтказиши каби салбий ҳолатлар барҳам топди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Хусановнинг айтишича, комиссия фаолиятида маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир ёш билан ишлаш, унинг орзу-интилишларини ўрганиш асосий ўрин тутади. Ҳудуддаги учта спорт майдончаси доимо болалар билан гавжум. Бу ерда болаларнинг қизиқишига қараб спортнинг турли йўналишлари бўйича тўгараклар ташкил этилган. Улар «Алпомиш ва Барчиной», «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи», «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари» сингари мусобақа ва турнирларнинг доимий иштирокчиси.

«Ораста ёшлар» жамоат тузилмаси ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, ўз саломатлиги, келажаги ҳамда жамият, Ватан олдидаги масъулиятини кучайтиришга ёрдам бермоқда. Кўп қаватли уйларнинг йўлаклари, болалар майдончалари, ҳовлилар атрофини ободонлаштириш, боқувчисини йўқотган фуқаролар ҳолидан хабар олиш, уларга уй-рўзғор юмушларида кўмаклашишда бу тузилма аъзоларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Комиссия ташаббуси билан маҳалла ҳудудидаги 35-оилавий поликлиникада балоғат ёшидагилар, айниқса, қизларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш, зарур ҳолларда даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатиш, ўз саломатлигига жиддий эътибор билан муносабатда бўлиш кўникмасини шакллантириш амалиёти кенг йўлга қўйилган.

– Ҳар бир бола – бир дунё, – дейди маҳалла маслаҳатчиси Ш.Абдиева. – Ёшлар билан ишлашда уларнинг тафаккури, дунёқараши, орзу-интилишларини инобатга олган ҳолда кенгашиб, маслаҳатлашиб иш юритилаётгани кутилган ижобий натижаларни бермоқда.

(ЎзА)

Тадбирлар

МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ ГАВҲАРИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан ёзги таътил давомида туман ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда.

Лойиҳа доирасидаги навбатдаги тадбир тумандаги 131-умумтаълим мактаб қошидаги оромгоҳда «Маънавият — қалб гавҳари» мавзуида ташкил этилди. Тадбирда кундузги оромгоҳда ёзнинг таътил даврини мароқли ўтказаётган 110 нафар ёшлар қатнашди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов ҳамда оромгоҳ раҳбари Маҳфуза Саидазимова сўзга чиқиб, тадбирдан кўзланган мақсад ёш авлоднинг китоб ўқиши орқали маънавий дунёқарашини бойитиш, ота-оналарни ҳурмат қилишга ўргатиш эканлигини таъкидлаб ўтишди.

— Болаларнинг мактаб даврида фанларни чуқур ўзлаштиришлари, аъло ва яхши баҳоларга ўқишлари, ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла ва кўп қаватли уйлар атрофларини ҳар доим тоза ва озода тутишлари лозимлигини уқтириш биз катталарнинг вазифаси ҳисобланади, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Гулчеҳра Досметова.

Оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган ўқувчилар билан мавзу юзасидан савол-жавоблар, викторина ва ақлни чархловчи машғулотлар ўтказилди.

Тадбир сўнгида болажонлар учун «Камалак» юлдузлари» танлови ғолиблари томонидан болаликнинг шўх паллалари, она Ватан мадҳини тараннум этувчи куй ва қўшиқлар ижро этилди. Барча болажонлар бир овоздан «Ёз — ўтмоқда соз!» дея ташкилотчилар билан хайрлашишди.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, ёшларимизни юртимизда бўлаётган ўзгаришлардан хабардор қилиш мақсадида Сергели туман ҳокимлигида учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда ҳокимликнинг масъул вакиллари, «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши аъзолари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этишди.

Учрашувда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар, ўтказиб келинаётган турли хил танловлар ва эришилган ютуқлар ҳақида айтиб ўтилди. Бундан ташқари «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати ёшларнинг бўш вақтларини фойдали меҳнат билан банд қилиш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талабалари ҳамда маҳаллалардаги вақтинча ишсиз ёшларни мавсумий ишларга жалб этиш мақсадида фаолият юритаётгани таъкидланди.

Суҳбат давомида бугунги кунда давр муаммосига айланган одам савдосидан эҳтиёт бўлиш муҳимлиги, унга қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ёшларимизнинг турли алдовларга алданмасдан, одам савдоси қурбонига айланмаслиги йўлида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Одам савдосининг олдини олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эгалигини унутмаслик лозимлиги таъкидланди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда қатнашган ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Абитуриент — 2014

ЁШЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олий таълим тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг замонавий илм-фан сирларини пухта эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиш, салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 4 июндаги қарорига мувофиқ Тошкент давлат маданият ва Ўзбекистон давлат санъат институтлари негизида ташкил этилган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти маданият, театр санъати, кино ва телевидение соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган юксак малакали мутахассислар тайёрловчи олий таълим даргоҳидир.

Ўтган даврда мазкур институтда ўқув бинолари, талабалар турар жойларини реконструкция қилиш, ижодий устахоналарни замонавий, санъатнинг турли йўналишларига хос техник воситалар билан жиҳозлаш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилди. Зарур техник воситалар билан таъминланган ўқув театри, киностудия юксак малакали мутахассислар тайёрлашда кенг имкониятлар яратмоқда. Шу билан бирга, ўқув ва бадиий адабиётларга бой ахборот-ресурс маркази, интернет тармоғига уланган компьютер хоналари ёшлар ихтиёрида.

Яратилган бундай шарт-шароитдан оқилона фойдаланган институт талабалари турли ижодий танловлар, лойиҳалар, грант дастурларида совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Мазкур даргоҳда ўз билими, иқтидори билан жамиятда муносиб ўрнини топаётган, тенгдошларига ибрат бўлаётган истеъдодли ёшлар жуда кўп. Улар олиб бораётган илмий изланишлар нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам эътироф этилмоқда.

Институтнинг бакалавриат босқичида ёшлар актёрлик, кино, телевидение, радио, мусиқий театр, эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги, кинотелеоператорлик, халқ ашула ва рақс ансамбли, фольклор-этнографик, вокал ва чолғу жамоалари раҳбари, саҳна ва экран санъати драматургияси, театршунослик каби йўналишлар бўйича таҳсил олади. Магистратура босқичида эса тўққизта мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади.

Айни вақтда олий ўқув юртида 2014/2015 ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёни давом этмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 30 апрелдаги «Республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори асосида таълим даргоҳида ушбу жараёнга пухта ҳозирлик кўрилди. Қабул комиссияси жойлашган ҳудудда абитуриентлар ва кутувчилар учун махсус жойлар ташкил қилингани ҳужжат топширувчиларга катта қулайлик туғдирмоқда.

– Қабул комиссияси фаолияти, ихтисосликлар йўналишларига оид янгиликлар, абитуриентлардан қабул қилинган ҳужжатлар ҳамда бошқа зарур маълумотлар тўғрисида бурчак ташкил этилган, – дейди институт қабул комиссияси масъул котиби Анвар Қурбонов. – Махсус маслаҳат хоналарида абитуриентларга ҳужжат топширишдан олдин ижодий синов хусусида, ёшларнинг қизиқиши, тайёргарлигига қараб тушунтиришлар берилмоқда. Жараёнга малакали педагог ва мутахассислардан иборат гуруҳлар жалб этилган.

Институт қабул комиссиясидан маълум қилишларича, 2013 йилда мазкур даргоҳга уч минг нафарга яқин абитуриент ҳужжат топширган, шундан 272 нафари 19 таълим йўналишида талабалик бахтига мушарраф бўлган. Ўтган йил шу вақтга нисбатан қиёслаганда санъат ва маданият соҳасига қизиқувчилар янада ошган. Шундан кўринадики, юртимизда олий маълумотли бўлишга интилаётган истеъдодли ёшлар сафи йил сайин ортиб бораётир.

Президентимизнинг юқорида номи қайд этилган қарорига мувофиқ жорий йилда олий таълим муассасаларида таълим ва касб йўналишлари кириш имтиҳонлари тизимига ҳам айрим ўзгаришлар киритилди. Хусусан, 2014/2015 ўқув йилида мазкур олий ўқув юртида тест синовлари асосан она тили ва адабиёт, тарих фанларидан ўтказилади. Кинотелеоператорлик йўналишида абитуриентлар физика, математика (информатика), она тили ва адабиёти фанларидан тест имтиҳонларини топширадилар.

Мухтасар айтганда, қабул жараёнига кўрилган пухта тайёргарлик истеъдодли ёшларни тўғри йўналтириш, уларнинг ўз устида ишлаши, соҳа сирларидан бохабар бўлиши ва ўзи хоҳлаган касбни танлашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

Қўли гул ёшлар ижоди кўзни қувонтиради

Бектемир туманидаги 289-умумтаълим мактаб қошида ташкил этилган «Камалак» ёзги оромгоҳида ҳамда 290-умумтаълим мактаб қошидаги «Қуёшча» соғломлаштириш майдончасида «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!» мавзусида расмлар кўрик-танлови ўтказилди.

САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИМИЗ

Тадбир Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Бектемир Ўқув СТК» унитар корхонаси томонидан туман ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, туман ХТМФМТЭ бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Танловни ўтказишдан асосий мақсад ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёмон иллатларга қарши курашиш, бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, мактабларда олган билимларини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Тадбир давомида гиёҳвандликнинг жамият тараққиётига ғов бўлувчи иллатлиги, зарарли одатларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида айтиб ўтилди.

— Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Бектемир Ўқув СТК» унитар корхонаси томонидан «Ёз – 2014» рукни остида ўтказиладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди унитар корхонанинг Маънавият, ташкилий-оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Минора Розиметова. — Бу режа асосида тумандаги 5 та мактаб қошида ташкил этилган ёзги оромгоҳ ва соғломлаштириш майдончаларида ёз ойларида турли хил тадбир, танлов ва спорт мусобақалари ўтказилиши кўзда тутилган.

Қатнашчилар «Биз гиёҳвандликка қаршимиз!», «Ичиш — зарар», «Чекиш — умр заволи» мавзулари бўйича чизган расмлари билан иштирок этишди. Жажжи қатнашчилардан Висола Мўминхонова, Шаҳбоз Муродов, Мадинабону Мирзаева, Ботир Ботиров ва бошқа болажонларнинг гиёҳвандликнинг салбий оқибатларини тасвирловчи расмлари ўзига хос деб топилди.

Кўрик-танловда 1,2,3-ўринларни эгаллаган болажонларга ташкилотчилар томонидан диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Орифжон Иброҳимовга турмуш ўртоғи

Хайринисо ИБРОҲИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Кишидан тинимсиз ҳаракат, катта сабр-матонат талаб қиладиган мураккаб ва айни пайтда инсон саломатлиги учун жуда фойдали спорт турларидан бири велоспортдир. У билан шуғулланиш учун инсонда аввало кучли иштиёқ, қизиқиш ва мустаҳкам ирода бўлиши лозим. Ана шундай фазилатларга эга спортчиларимиз халқаро миқёсдаги қатор мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда.

Бразилия — 2016

ЧИНИҚИШ ВА ТОБЛАНИШ МАКТАБИ

Мамлакатимизда спортнинг кўплаб турлари қатори велоспортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида бугун ушбу спорт тури ёшларимиз ўртасида тобора оммалашмоқда. Буни спортчиларимизнинг халқаро миқёсдаги қатор мусобақаларда эришаётган ютуқлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори спортчиларимизни нуфузли мусобақаларга ҳар томонлама пухта тайёрлаш, терма жамоаларни янги-янги истеъдодлар билан бойитишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Тошкент вилояти мамлакатимизда велоспорт ривожланаётган ҳудудлардан. Велотрек ва велошоссе бўйича мамлакат терма жамоасининг 19 нафар аъзоси пойтахт вилояти вакилларидир. Чирчиқ шаҳридаги болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби ҳамда Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежининг велоспорт бўлимида ёш спортчилар Альберт Искандаров, Фаррух Ғофуров, Қудрат Ҳайдаров, Винис Калимулин сингари мураббийлардан маҳорат сирларини пухта эгаллашмоқда.

– Велоспорт бўйича вилоят терма жамоаси асосан Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳри спортчиларидан таркиб топган, – дейди Тошкент вилояти терма жамоаси бош мураббийи Фаррух Ғофуров. – Мақсадимиз ушбу спорт турини вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам оммалаштириш, спортчилар орасидан энг кучлиларини саралаб, мусобақаларда муносиб иштирок этишини таъминлашдан иборатдир.

Вилоятда велоспорт бўйича спорт секциялари фаолиятини кучайтириш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётир. Ўзбекистон велоспорт федерацияси томонидан вилоят спортчиларига энг сўнгги русумдаги велосипедлар топширилди. Спортчиларнинг жисмоний-руҳий тайёргарлигини ошириш, уларни нуфузли мусобақаларга тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада вилоят спортчилари бир неча йилдирки, велошоссе бўйича ўтказиладиган мамлакат чемпионатида мунтазам ғолиблар қаторидан жой олиб келмоқда. Яқинда Фарғона вилоятида ўтказилган мамлакат чемпионатида Муроджон Холмуродов, Роман Шукуров, Денис Шайманов, Руслан Каримов сингари тажрибали велоспортчилар ғалаба қозонди.

Вилоят спортчилари мамлакат терма жамоаси таркибида Жанубий Корея, Индонезия, Таиланд, Малайзия, Эрон ва Хитойда ўтказилган нуфузли турнирларда қатнашиб, тажриба ва маҳоратини оширди. 2013 йили Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида Муроджон Холмуродов велошоссе бўйича 40 километрга шахсий ва 156,2 километрлик масофага ўтказилган жамоавий пойгада маррага биринчи келиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. 2014 йилнинг май ойида Қозоғистон мезбонлик қилган Осиё чемпионатининг ўсмирлар ўртасидаги баҳсларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи ўқувчиси Екатерина Кнебелева 80 километр масофага ўтказилган гуруҳлараро трек ва 15 километр масофага яккалик шоссе пойгаларида шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

Айни пайтда вилоят спортчилари халқаро миқёсдаги нуфузли турнирлар, шунингдек, жорий йил 19 сентябрь – 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтадиган XVII Осиё ўйинларига пухта тайёргарлик кўрмоқда.

– Машғулотларни Чирчиқ шаҳри ва Бўстонлиқ туманининг тоғли ҳудудларида олиб боряпмиз, – дейди Осиё чемпиони Муроджон Холмуродов. – Насиб этса, қитъамиз спортчиларининг энг нуфузли мусобақаси – Осиё ўйинларида юксак натижа кўрсатишга ҳаракат қиламиз. 2015 йили эса Олимпия йўлланмаларини берадиган мусобақаларда қатнашишни режалаштиряпмиз. Мақсадимиз Рио-де-Жанейро Олимпиадасида муносиб иштирок этишдир.

(ЎзА)

Паралимпия

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ...

Пойтахтимиздаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида жисмоний имконияти чекланган ўғил-қизлар ўртасида енгил атлетика бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Соғлом бола йили муносабати билан Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси томонидан имконияти чекланган ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларни спорт билан фаол шуғулланишга жалб этиш мақсадида ташкил этилган мусобақада Тошкент шаҳридаги Мурувват уйларида тарбияланаётган 80 нафардан зиёд ўғил-қиз ўзаро баҳслашди.

– Бир неча йиллардан бери енгил атлетиканинг югуриш тури билан шуғулланаман, – дейди мусобақа иштирокчиси Ойбек Жовлиев. – Мактабимизда спорт билан шуғулланиш учун барча шароит яратиб берилган. Келажакда мен ҳам халқаро мусобақаларда ғолиб чиқишга ҳаракат қиламан.

Якунда мусобақа қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди.

Ж.АҲМЕДОВ, (ЎзА)

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат марказида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Камолот»нинг баркамол авлоди» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

«Камолот»

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Тадбирда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган маҳалла ёшлари ҳамда меҳмонлар иштирок этди.

— «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилаётган ўқувчи-ёшларнинг ёз мавсумида бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар орасидан янги-янги иқтидорларни излаб топиш, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар ва «Обод шаҳрим» акциялари ўтказилиши режалаштирилган, — дейди «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши раиси ўринбосари Нодирбек Ишчанов. — Жорий йилда ҳам шаҳарча «Камолот» ЁИҲ Етакчилар Кенгаши лойиҳа доирасида «Обод шаҳрим» акциясини ўтказиш, «Камолот» ва ёшлар», «Ёшликнинг унутилмас лаҳзалари», «Болаликнинг олтин дамлари» мавзусида маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, болажонларнинг жисмонан соғломлигини янада ривожлантириш мақсадида «Спорт — соғлиқ гарови» шиори остида мини-футбол, қувноқ стартлар эстафетаси, шахмат-шашка мусобақалари ҳам лойиҳа негизида ўтказилади. Айниқса, август ойларида режалаштирилган муқаддас ва кўнгилочар қадамжолар — Мустақиллик майдони, Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Шаҳидлар хотираси» ҳамда Тошкент ҳайвонот боғига қилинадиган саёҳатлар ҳам айнан ҳудудда жойлашган болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун хизмат қилади.

«Камолот»нинг баркамол авлоди» мавзусидаги тадбир қувончли ва мазмунли ўтди. Тадбирдан «Университет» маҳалласи қизлари иштирокидаги рақс ва қўшиқлар, шўх йигитлар томонидан «Қувноқлар ва зукколар» томошаси ҳамда мавжуд 9 та маҳалла болажонлари иштирок этган турли хилдаги ўйинлар ва бошқотирмалар ўрин олди ва улар томошабинларга кўтаринки кайфият бағишлади. Глиэр номидаги РИМАЛ ва Тошкент Маданият коллежи ўқувчилари ижросидаги бадиий-мусиқий чиқишлар ҳам йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

Тадбир сўнгида фаол иштирок этган ва турли қизиқарли ўйинларда ғолиб бўлган болажонлар «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ўйлаймизки, бу каби тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил вақтини маромли ва файзли ўтказишлари, уларнинг онги ва маънавиятининг юксалишига замин яратади.

Замира РАҲМОНОВА

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳар бир мавсумнинг ўзига хос гашти ва таровати, шу билан бирга қувонч ва ташвишлари ҳам бор. Бунинг учун ҳар бир инсондан зийраклик, ҳушёрлик ва огоҳлик талаб этилади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг жорий йил 16 майдаги «Тошкент шаҳри ҳудудидаги мавжуд очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, дарё, канал ва анҳорларда хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан пойтахтимиз ҳудудидаги мавжуд фуқароларнинг оммавий чўмилиш жойларининг мавсумга тайёргарлиги, уларнинг кўрикланиши, тиббий ва санитария-гигиена талабларига мослиги, сув ҳавзасининг ҳолати, уларда хавфсизлик масалаларининг таъминланаётганлиги, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган ишларнинг аҳволи ва у ердаги фуқароларни қутқаришга ихтисослаштирилган тузилмаларнинг ташкил этилганлиги ва шайлиги текширувдан ўтказилди. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар ҳамда Қутқарув хизмати бошқармалари, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давбионазорати ва тегишли ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирокида текширув давомида жойларда олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда камчилик ва нуқсонлар аниқланди.

Хусусан, Фуқаро муҳофазаси йўналиши бўйича Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчасида жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи сув ҳавзаси ва кўли ҳамда шу туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи сув ҳавзаси ва чўмилиш маскани, Яккасарой тумани, Бобур кўчасида жойлашган Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи сув ҳавзаси, Мирзо Улуғбек тумани Х.Орипов кўчасида жойлашган Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи сув ҳавзаси, Миробод тумани, Толлимаржон кўчасида жойлашган Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғи сув ҳавзаси, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчасида жойлашган Аква боғи сув ҳавзаси ва манзарали кўли, мазкур тумандаги Чинобод кўчасида жойлашган «Dobusiya» Қўшма корхонаси МЧЖга қарашли Аква боғи бассейнлари текширувдан ўтказилди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг оммавий чўмилиш жойларида ҳам текширувлар амалга оширилиб, керакли хулоса чиқарилди. Унга кўра, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган аксарият маданият ва истироҳат боғлари сув ҳавзалари ва чўмилиш масканлари аниқланган камчиликларни бартараф этиш шарти билан «тайёр» деб баҳоланди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, барча сув ҳавзалари ва бассейн раҳбарларига текширув давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан тақдимномалар киритилди ҳамда аниқланган камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этиш назоратга олинди.

Шунингдек, текширув давомида сув ҳавзаси раҳбарияти, кузатувчи масъул ходимлар ва ғаввос-қутқарувчилар билан хавфсизлик масалалари юзасидан йўриқномалар ўтказилиб, ғаввослик асбоб-ускуналари, баллонлар, қутқарув, моторли қайиқлар ва катамаранларни Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Давбионазорати ДИ томонидан доимий равишда текширувдан ўтказиб бориш ва фойдаланишга рухсатнома олишлари таъкидлаб ўтилди.

Сув ҳавзаси ва бассейнлар атрофида жойлашган умумовқатланиш ва дўконларда мавсум давомида спиртли ичимликларнинг сотилишини тақиқлаш ва тегишли хизматлар томонидан қатъий назоратга олиш бўйича кўрсатма берилди.

Азамат СУЮНОВ

ЎЗБЕК ҲАКАМЛАРИ ЮРТИМИЗГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Жорий йил 12 июнь-13 июль кунлари Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилган ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчиси Абдуҳамидулло Расулов юртимизга қайтиб келди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча спорт турлари қатори футболни ривожлантириш, ёшларни ушбу спорт турига кенг жалб этиш, истеъдодли футболчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир. ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг кетма-кет икки жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилгани ана шу эътиборнинг амалий ифодасидир.

Бразилияда ўтказилган чемпионатда Европадан тўққизта, Жанубий Америкадан бешта, Осиёдан тўртта, Африка ва Шимолий Америкадан учтадан, Океания минтақасидан битта ҳакамлар бригадаси учрашувларни бошқарди. Равшан Эрматов МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари вакиллари орасида ушбу жаҳон чемпионатига жалб этилган ягона бош ҳакамдир.

Нуфузли мусобақада Р.Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси жами тўртта – гуруҳ босқичида Швейцария – Эквадор, АҚШ – Германия ва Мексика – Хорватия, чорак финалда Голландия – Коста-Рика терма жамоалари ўртасидаги учрашувларни бошқарди. Эътиборлиси, ҳамюртимиз ҳакамлик фаолияти давомида жаҳон чемпионатлари финал босқичида энг кўп – 9 учрашувни бошқариб, жаҳон рекордини ўрнатди.

– Жаҳон чемпионатидаги ҳар бир ўйин олдидан Президентимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам", деган сўзларини доимо ёдимизда сақладик, – дейди Р.Эрматов. – Учрашувларни бошқаришда юртдошларимизнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилиб турдик.

2003 йилдан буён ФИФА таснифидаги мусобақаларни бошқариб келаётган Р.Эрматов футбол бўйича деярли барча нуфузли турнирлар – 2007 ва 2009 йилларда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчиликлари, 2008 ва 2011 йилларда клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари финали, 2010 йилги жаҳон чемпионати, 2011 йилги Осиё кубоги финали, 2012 йили XXX ёзги Олимпия ўйинларининг футбол учрашувлари, 2013 йилда эса Бразилияда ўтган конфедерациялар кубоги баҳсларида ҳакамлик қилди.

Равшан Эрматов Осиёнинг "Энг яхши ҳакам" номинациясида кетма-кет тўрт маротаба ғолиб бўлган қитъамиздаги ягона футбол ҳакамидир. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси уни 2011 йилда жаҳоннинг энг яхши ҳаками, деб эътироф этди. Мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни юқори савияда бошқариб келаётган Р.Эрматов 2013 йил якунлари бўйича ҳам дунёнинг энг кучли ҳакамлари рейтингининг юқори поғоналаридан жой олган.

Бразилиядаги жаҳон чемпионати мусобақаларини юқори савияда бошқарган Р.Эрматов футбол ҳакамлари фаолиятини таҳлил қиладиган worldreferee.com сайти эълон қилган рейтингда ҳам пешқадамлик қилди.

Жаҳон чемпионати учрашувларини бошқаришда Равшан Эрматовга ҳамюртимиз, Осиё футбол конфедерацияси томонидан 2011 йилда қитъамизнинг энг яхши қанот ҳаками деб топилган Абдуҳамидулло Расулов ва қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоров ёрдам берди.

Б.АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳамза компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ошхонасини ижарага беришга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб 1 августга қадар қабул қилинади.
Манзил: Ҳамза тумани, Оқ дарё кўчаси, 122-уй. Тел: 299-85-47.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **18 июль** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **18 ва 19 июль** эрталаб Тошкент шаҳри обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади. Ифлосланиш тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-4227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 756
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6568 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 13.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ